

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БУРИЕВ ХУСАИН ХАМРОКУЛОВИЧ

**ЭПИДЕМИОЛОГИК НОҚУЛАЙ ВАЗИЯТДА РИВОЖЛАНМАЙ
ҚОЛГАН ҲОМИЛАДОРЛИКНИ БАШОРАТЛАШ**

14.00.01–Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) Contents of
the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Буриев Хусаин Хамракулович

Эпидемиологик нокулай вазиятда ривожланмай
қолган ҳомиладорликни башоратлаш..... 3

Буриев Хусаин Хамракулович

Прогнозирование неразвивающейся беременности
в эпидемиологической неблагоприятной ситуации 31

Buriev Khusain Khamrakulovich

Prediction of non-developing pregnancy in an
unfavorable epidemiological situation..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works. 63

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БУРИЕВ ХУСАИН ХАМРОКУЛОВИЧ

**ЭПИДЕМИОЛОГИК НОҚУЛАЙ ВАЗИЯТДА РИВОЖЛАНМАЙ
ҚОЛГАН ҲОМИЛАДОРЛИКНИ БАШОРАТЛАШ**

14.00.01–Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистана за номером № В2023.1.PhD/Tib3261

Диссертация выполнена в Ташкентском медицинском академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.anti.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Абдуллаева Лагния Мирзатуллаевна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Ахмаджонова Гулноза Муродовна
доктор медицинских наук, доцент

Каримова Феруза Жавдатовна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Бухарский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «19» сентября 2025 г. в 13:00 часов на заседании научного совета DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 при Андижанском государственном медицинском институте (Адрес: 170127, Андижон ш., Ю.Отабеков 1.), Тел/факс: (+99874) 223-94-60, e-mail: info@adti.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 44). Адрес: 170127, г. Андижон, Ю.Отабеков 1.), Тел/факс: (+99874) 223-94-60, e-mail: info@adti.uz

Автореферат диссертации разослан «01» сентября 2025 года.
(Реестр протокола рассылки № 09 от «30» августа 2025 года).



А.Ш.Арикулов
член Научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук,
профессор

Ш.О.Тошбоев
ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
кандидат медицинских наук

О.А.Якубова
председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда ривожланмай қолган ҳомиладорлик (РХ) – 2006 йилдаги FIGO конгрессида “оҳиста кечувчи пандемия”, деб номланган акушерлик муаммоларидан биридир, чунки ҳомиланинг нобуд бўлиш синдроми тушунчасига кирувчи мазкур ҳолатнинг тушунарсиз тарқалиши ҳамда ўз-ўзидан содир бўлувчи абортлар муаммоси ер шарининг барча қитъаларида яққол намоён бўлди. 2020-йилда кузатилган “COVID-19” эпидемияси кўплаб мамлакатлар ва қитъаларда жадал ривожланиши натижасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан глобал пандемия эълон қилинди. Мавжуд тадқиқотларга кўра, “.....агар аёл “COVID-19” билан касалланган бўлса, жиддий бўлган акушерлик ва перинатал асоратлар хавфи анчагина ортади...”¹. Турли адабиётларда кўрсатилишича, ривожланмай қолган ҳомиладорлик “COVID-19” ўтказилганидан кейин энг кўп учрайдиган патологиялардан бири бўлиб ҳисобланади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликни эрта аниқлаш, уни олдини олиш ва сақлаб қолиш усулларини оптималлаштириш замонавий гинекологиянинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Бутун дунёда эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг ривожланиш сабабларини ўрганиш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликни кечиши ва хавф омилларини ўрганиш, ушбу аёлларда витамин Д ва микроэлементлар миқдорини таҳлил қилиш, гемостаз тизимининг ҳолатини баҳолаш, стандарт ва муқобил мониторинг самарадорлигини солиштириш, режалаштирилмаган ҳомиладорлик бўлган аёлларда тўлиқ тиббий аборт ҳамда “COVID-19” пандемияси даврида аёллар учун ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланиш эҳтимоллигининг прогностик дастурини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига халқаро андозалар асосида кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, жумладан, репродуктив ёшдаги аёллар касалликларини эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар белгиланган ва муайян чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда “...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...”² каби вазифалар белгиланган. Ушбу

¹ Maternal and perinatal outcomes of pregnant women with SARS-CoV-2 infection / WAPM (World association of perinatal medicine) working group on COVID-19// Ultrasound Obstet. Gynecol. 2021. Vol. 57. №2. P. 232–241. [PMID: 32926494]

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

вазифалардан келиб чиққан ҳолда, эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланишининг хавф омилларига мажмуавий баҳолаш, микронутриентлар аҳамиятини аниқлаш, гемостаз тизими параметрларни ўрганиш натижасида ривожланмай қолган ҳомиладорликни башорат қилиш дастурини ишлаб чиқиш орқали перинатал йўқотишларни камайтириш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022-2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-134-сон Фармони, 2018 йил 18 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4063-сон, 2019 йил 8 ноябрдаги “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида” ПҚ-4513-сон, 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6110-сон Фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4891-сон, 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5124-сон, 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5199-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳали акси исботланмагунча, “COVID-19” ёки “SARS CoV-2” инфекцияси – бу дунёни остин-устун қилган ҳамда инсон ҳаётининг кўп қиррали жиҳатларини тескарисига айлантирган аср касаллигидир. Ўзининг пайдо бўлиш пайтидан бошлаб, ўртача иқлим шароитида ўта тез тарқалиши ва касаллик ҳолатининг антиқа кечиши туфайли кўпгина чалкашликларни ва ноаниқликларни келтириб чиқарди. Ҳомиладор аёллар учун камроқ оғриқли ҳамда камроқ ҳалокатли бўлган “COVID-19” кўплаб муҳокамаларга ва сон-саноксиз тахминларга сабаб бўлди (Boushra M. N., Kouffman A., 2021). Ҳомиладор аёллар иммунитетини ҳомиладор бўлмаган

аёлларга қараганда кучсизроқ бўлса-да, ҳомиладор аёлларнинг “COVID-19”га юқори чидамлилиги кўпгина тадқиқотчилар учун мантиққа мос келмайдиган ҳолат бўлди (Altman M. R. et al., 2021). 2020-йил июнь ойидан бошлаб НРР (UNFPA/UNICEF/WHO, Жаҳон банки Инсон кўпайиш бўйича тадқиқотлар, ривожланиш ва тадқиқотларни ўқитиш дастури) жинсий ва репродуктив саломатлик ва ҳуқуқларга содиқ бўлган глобал ва маҳаллий манфаатдор томонлар тармоғи билан ҳамкорликни давом эттирмоқда.

Инсоннинг ҳаёт тарзи ва унга боғлиқ бўлган атроф–муҳитга таъсир кўрсатувчи асосий башорат қилувчиларга тўлиқ ҳажмда D витаминининг танқислигини киритиш мумкин. Тиббиётнинг асрга оид тарихи D витамини ва ҳаётий муҳим микронутриентларнинг (рух, магний, кальций) прогрессив тадқиқоти билан бевосита боғлиқдир (Спиричев В.Б., 2021). Бироқ, одам организмига D витамини танқислигининг салбий таъсири ҳақидаги тиббий далилларнинг узлуксиз тўпланишига ҳамда амалий тиббиётда қўлланилиши бўйича ортиб борувчи клиник тажрибаларга қарамасдан, бутун дунёда D витамини етишмовчилигининг кўп учраш муаммоси долзарблигича қолмоқда (Рамазанова Ф. У., 2021).

Витамин ва минераллар эмбрионнинг соғлом ривожланиши учун ҳам, бўлажак она организмидаги барча тизимларнинг нормал фаолиятини қувватлаш учун ҳам зарур. Аёл организмида микронутриентларнинг танқислиги ҳамда ҳомиладорлик вақтида витамин ва микроэлементларга бўлган катта эҳтиёжларнинг қаноатлантирилмаслиги ҳомилада ривожланиш нуқсонлари хавфини оширади ва ҳомиладорликнинг кўп сонли патологиялар ривожланиши этиологиясига катта таъсир қилади. Шунингдек, витаминотерапия йирик ҳомила туғилиш хавфини оширади, деган нотўғри тушунча ҳам мавжуд, аммо баъзи витамин ва микроэлементларнинг танқислиги инсулинга резистентлик, метаболик синдром, гестацион қандли диабетнинг сабабчиси бўлади ва макросомияга олиб келади (Ходжаева Ф. Т., 2019).

Бугунги кунда аёлларнинг генитал аъзолари билан боғлиқ ҳолатларни ташхислаш ва даволаш борасида қатор ишлар бажарилган (Д.Қ.Нажмутдинова, 2020; Ю.Г.Расулзаде, 2024; М.Ю.Юсупова, 2024; Ж.Ж.Қурбонов, 2018; 2022; Абдуллаева Л.С, 2022; Ж.Е.Пахомова, 2024), бироқ, эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликни ривожланиш сабабларини ўрганиш ва олдини олиш тартиби оптималлаштирилмаган.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳомиладорлар, туғувчи ва тукқан аёллар ҳам эпидемиологик ноқулай вазиятда оғир инфекция ривожланишининг юқори хавфига дучор бўлишлари аниқлаш ва унинг оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар сонини камайтириш, тиббий хизматга бўлган талаблар сонини ва ҳаражатларни камайтириш замонавий тиббиёт учун амалий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим-муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг №012300281 “Аёллар ва болалар саломатлигининг тиббий-ижтимоий муаммолари. Диагностика, башорат қилиш, даволаш ва профилактика масалаларини ҳал қилиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган (2021-2024 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: “COVID-19” пандемияси шароитида ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг хавф омилларини ўрганиш ва башоратлаш асосида аёлларнинг прегравидар тайёргарлик тактикаси ва гестацион даврдаги асоратлар профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аёлларда “COVID-19” пандемияси даврида қайд этилган ривожланмаган ҳомиладорликнинг кечиши ва хавф омилларининг таҳлилинини ўтказиш;

ривожланмай қолган ҳомиладорлик қайд этилган аёлларда витамин Д ва микроэлементлар (рух, кальций ва магний) миқдорини баҳолаш;

ривожланмай қолган ҳомиладорлик қайд этилган аёлларда гемостаз тизимининг ҳолатини ўрганиш;

эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланиш эҳтимоллигининг прогностик дастурини ишлаб чиқиш;

таклиф этилган прогностик дастурнинг профилактик самарадорлиги, хослиги ва сезгирлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятида яшовчи 97 нафар аёлнинг ижтимоий тадқиқоти ва ривожланмай қолган ҳомиладорликни бошидан кечирган 100 та аёл ҳамда ҳомиладорлиги физиологик кечаётган 30 та аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ҳомиладор аёлларнинг веноз қони, қон зардоби ва бурун ҳалқум ажралмаларини лаборатор ва ПЗР ташхисоти учун комплекс баҳолаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, биокимёвий, акушерлик, инструментал, ПЗР ташхисот ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорлик келиб чиқишининг хавф омиллари (гемостаз тизимидаги бузилишлар, иммун тизимидаги ўзгаришлар, витамин D ва микроэлементлар рух, кальций, магний танқислиги) аниқланган;

“COVID-19” билан касалланган ва ривожланмай қолган ҳомиладорлик мавжуд аёлларда D витамини танқислиги ва етишмовчилигини учраш ҳоллари таққослаш гуруҳига нисбатан 3,2 маротаба юқори бўлганлиги ($p < 0,05$), ҳамда уларда рух миқдори ўртача 3,69 мкмоль/лни, магний 0,73 ммоль/лни, кальций 1,86 ммоль/лни ташкил қилиб, назорат гуруҳига нисбатан анча паст эканлиги аниқланган ҳамда микронутриентларнинг ҳомиладорликнинг физиологик кечишидаги муҳимлиги асосланган;

“COVID-19”ни ўтказгандан кейин ривожланмай қолган ҳомиладорлик

кузатилган аёлларда гемостаз тизими параметрларидаги бузилишлар (қонни ивиши ва протромбин вақти, МНО, АЧТВ, D-димер, фибриноген ва тромбоцитлар миқдори) аниқланган;

Эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликни башорат қилиш ва олдини олишда қўлланиладиган, ўз ичига D витамини ва микронутриентлар етишмаслигини ҳамда гемостаз тизимидаги бузилишларни бартараф этишни қамраб олган дастур ишлаб чиқилган ва унинг юқори самарадорлиги (сезувчанлиги 83,8%, ўзига хослиги - 82,5%) исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эпидемиологик ноқулай шароитда прегравидар тайёргарлик стратегиясини яхшилаш ва ҳомиладорликни олиб бориш учун ҳомиладорликни режалаштириш даврида самарали скрининг протоколлари ва мониторингини такомиллаштириш натижасида ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланиш хавфини камайтирилганлиги асосланган;

тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган янги инновацион башоратлаш дастури эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорлик бўйича хавф гуруҳларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳомиладорлик натижаларини яхшилашга қаратилган мақсадли профилактика тадбирларни амалга ошириш имконини берган;

эпидемиологик ноқулай шароитда ҳомиладорликни бошқариш бўйича миллий тавсияларни ишлаб чиқиш учун маълумотлар базасини тузиш, “COVID-19” ва бошқа вирусли касалликларни ҳомиладорлик ва ҳомилага таъсирини тушуниш орқали, акушерлик ва гинекологияда миллий гайдлайнлар такомиллаштирилган;

тадқиқот натижаларни клиник амалиётга интеграция қилиш шифокорларга ривожланмай қолган ҳомиладорликни башоратлаш, айниқса “COVID-19” ва бошқа вирусли касалликлар вақтида перинатал асоратлар частотасини камайтириш ва она-бола соғлиғини яхшилашга олиб келганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони етарли даражада танланганлиги, замонавий иммунофермент, биохимик, функционал усулларни қўллаш натижалари статистик ишлаб чиқилгани, уларнинг бири иккинчисини тўлдирувчи клиник-лаборатор, инструментал, гинекологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида, ривожланмай қолган ҳомиладорликдан кейин ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эпидемиологик ноқулай шароитда ҳомиладорликни режалаштираётган репродуктив ёшдаги аёлларда ривожланмай қолган ҳомиладорликни башоратлаш ҳамда прегравидар

тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар тизими зарурлигини асослаш, ишлаб чиқилган компьютер дастури эпидемиологик ноқулай шароитда мавсумий вирусли касалликларга чалинган аёллар учун ҳам фойдаланиш, тузилган GOOGLE FORMS сўровномасидан келажакда бориш қийин бўлган жойларда маълумот тўплаш ёки ҳомиладор аёллар тиббий муассасага бориш имкони бўлмаганда улар билан боғланиш, шунингдек, муаммога ва эришилган натижаларга эътиборни жалб қилиш учун ишлатилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, эпидемиологик ноқулай шароитда ривожланмай қолган ҳомиладорлик бўйича хавф гуруҳига кирувчи аёлларни эрта аниқлаш учун прогностик моделлар ишлаб чиқиши ва жорий этиши, ҳомиладорликни режалаштириш ва бошқариш тактикасини яхшилаши, ривожланмай қолган ҳомиладорликлар частотасини камайтириши, бевосита перинатал касалликлар ва ўлим кўрсаткичларини пасайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликни башоратлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Биринчи илмий янгилик: илк бор эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорлик келиб чиқишининг хавф омиллари (гемостаз тизимидаги бузилишлар, иммун тизимидаги ўзгаришлар, витамин D ва микроэлементлар рух, кальций, магний танқислиги) аниқланган ва улар бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 29 майдаги марказий услубий кенгашининг 10-сонли йиғилишида тасдиқланган “Эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликни башоратлаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали 2024 йил 9 июндаги 44-сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали 2024 йил 3 июндаги 97-У сонли буйруғи билан, Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ мажмуаси 2024 йил 18 июлдаги 68/S-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабр 10/43-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг хавф омилларини ва келтириб чиқарадиган сабабларини ўз вақтида эрта аниқлаш, кейинги ҳомиладорликда ҳомилани ривожланмай қолишини олдини олишга имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг қайталанишини олдини олиш натижасида аёлларда чуқур лаборатор ва инструментал текширишлар ўтказилишига талаб бўлмаганлиги натижасида бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 440 000 сўмга иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

Иккинчи илмий янгилик “COVID-19” билан касалланган ва ривожланмай

қолган ҳомиладорлик мавжуд аёлларда D витамини танқислиги ва етишмовчилигини учраш ҳоллари таққослаш гуруҳига нисбатан 3,2 маротаба юқори бўлганлиги ($p < 0,05$), ҳамда уларда рух миқдори ўртача 3,69 мкмоль/лни, магний 0,73 ммоль/лни, кальций 1,86 ммоль/лни ташкил қилиб, назорат гуруҳига нисбатан анча паст эканлиги аниқланган ҳамда микронутриентларнинг ҳомиладорликнинг физиологик кечишидаги муҳимлиги асосланган ва улар бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд давлат тиббиёт университетинг 2024 йил 29 майдаги марказий услубий кенгашининг 10-сонли йиғилишида тасдиқланган “Эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликни башоратлаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали 2024 йил 9 июндаги 44-сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали 2024 йил 3 июндаги 97-U сонли буйруғи билан, Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ мажмуаси 2024 йил 18 июлдаги 68/S-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрь 10/43-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: “COVID-19” билан касалланган ва ривожланмай қолган ҳомиладорлик мавжуд аёлларда D витамини ва микронутриентлар миқдорини аниқлаш ҳомиланинг қайта ривожланмай қолиши олдини олишга қаратилган даволаш чора-тадбирлари тактикасини белгилашга ёрдам берган. Иқтисодий самарадорлиги: ривожланмай қолган ҳомиладорлиги бўлган аёлларда ҳомиладорликни қайта ривожланмай қолишини олдини олиш натижасида стационар даволаниш харажатларини камайтириш ва 210 000 минг сўм миқдорида давлат бюджети маблағларини иқтисод қилинишига эришилган.

Учунчи илмий янгилик: “COVID-19”ни ўтказгандан кейин ривожланмай қолган ҳомиладорлик кузатилган аёлларда гемостаз тизими параметрларидаги бузилишлар (қонни ивиши ва протромбин вақти, МНО, АЧТВ, D-димер, фибриноген ва тромбоцитлар миқдори) аниқланган ва улар бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд давлат тиббиёт университетинг 2024 йил 29 майдаги марказий услубий кенгашининг 10-сонли йиғилишида тасдиқланган “Эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликни башоратлаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали 2024 йил 9 июндаги 44-сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали 2024 йил 3 июндаги 97-U сонли буйруғи билан, Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ мажмуаси 2024 йил 18 июлдаги 68/S-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрь 10/43-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Олинган натижалар

эпидемиологик ноқулай вазиятда аёлларда такрорий ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг ривожланишини башоратлашда шахсий ёндашувни қўллашга, профилактик ва даволаш тадбирларини олиб боришнинг энг мақбул усуллари аниқлашга хизмат қилади. Иқтисодий самарадорлиги: аёлларда ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг қайта юзага келиши олдини олиш натижасида стационар ва амбулатор даволаниш харажатларини камайтириш натижасида битта бемор учун 1 650 000 сўм давлат бюджети маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

Тўртинчи илмий янгилик: илк бор эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликни башорат қилиш ва олдини олишда қўлланиладиган, ўз ичига Д витамини ва микронутриентлар етишмаслигини ҳамда гемостаз тизимидаги бузилишларни бартараф этишни қамраб олган дастур ишлаб чиқилган ва унинг юқори самарадорлиги (сезувчанлиги 83,8%, ўзига хослиги - 82,5%) исботланган ва улар бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 29 майдаги марказий услубий кенгашининг 10-сонли йиғилишида тасдиқланган “Эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликни башоратлаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали 2024 йил 9 июндаги 44-сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали 2024 йил 3 июндаги 97-У сонли буйруғи билан, Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ мажмуаси 2024 йил 18 июлдаги 68/S-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрь 10/43-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ривожланмай қолган ҳомиладорлик бўлган аёлларда такрорий ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланишини башорат қилиш, аёлларда ушбу ҳолатларнинг шаклланиши ва қайталанишини олдини олиш, аёлларни кейинги ҳомиладорликга прекоцепцион тайёргарлик чоратадбирларни ўз вақтида амалга ошириш натижасида кейинги ҳомиладорлик натижаларини яхшилаш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: аёлларда ривожланмай қолган ҳомиладорлик қайта юзага келишининг олдини олиш натижасида амбулатор ва стационар даволаниш харажатларини камайтириш ва бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, хотима, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикасининг фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги ёритилган, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг ривожланишини замонавий илмий асослаш ва уни башорат қилиш тамойиллари”** деб номланган **биринчи бобида** ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг хавф омиллари, **“COVID-19”** янги коронавирус инфекцияси муаммосининг долзарблиги ҳамда унинг ривожланмай қолган ҳомиладорлик келиб чиқишидаги ўрни, ҳомиладорликнинг физиологик ва патологик кечишида микронутриентлар ва Д витаминининг аҳамияти, ривожланмай қолган ҳомиладорлиги мавжуд аёлларда гемостаз тизими ҳолати, реабилитация ва прегравидар тайёргарлик масалалари кенг тасвирланган. Коронавирус инфекциясининг онада бир қанча жиддий асоратларнинг, ҳомиланинг эрта йўқотилиши (РХ), муддатидан олдинги туғруқлар, шунингдек, ҳомиланинг ўлик туғилиши хавфини ҳам сезиларли даражада ошириши ёритилган. Ушбу бобнинг хулосаси перинатал йўқотишларни камайтириш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида хавф гуруҳларини аниқлаш бўйича янада чуқурлаштирилган тадқиқотларнинг заруриятини, башорат қилувчи мезонларни ишлаб чиқишни ва даволаш-профилактика тадбирларининг ўтказилишини талаб этади.

Диссертациянинг **“Текширилган аёлларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** номли **иккинчи бобида** тадқиқотда қўлланилган материаллар ва текшириш усуллари баён этилган. Мазкур диссертация иши бўйича тадқиқотлар Самарқанд вилоятида яшовчи 97 нафар аёлнинг ижтимоий тадқиқоти ва Самарқанд шаҳар поликлиникалари ва туғруқхоналари, Самарқанд шаҳар **“Нарру тама”** хусусий клиникаси лабораториясида (бош врач Ким В.С. ва лаборатория бошлиғи Тўйчиева С.А.) ўтказилган.

Тадқиқот дизайни: бир марказли, обсервацион ва case-study кўринишида амалга оширилган. Ҳар бир аёлга статистик карта тузилиб, маълумотлар

гурухлаштирилган. Қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, тадқиқотда ривожланмай қолган ҳомиладорликни бошидан кечирган 100 та аёл ҳамда ҳомиладорлиги физиологик кечаётган 30 та аёл текширилиб, 3 та гуруҳга ажратилган:

Асосий гуруҳни -13 ҳафталик муддатгача ривожланмай қолган ҳомиладорлик қайд этилган 50 нафар аёл (“COVID-19”ни ўтказгандан кейин ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланган) ташкил этди;

Таққослаш гуруҳини – 13 ҳафталик муддатгача ривожланмай қолган ҳомиладорлик қайд этилган, аммо “COVID-19”ни ўтказмаган 50 нафар аёл;


Назорат гуруҳи – 30 нафар ҳомиладорлиги физиологик тарзда кечаётган аёллар ташкил қилди.

Текширишга киритилиш мезонлари:

1. Аёлнинг тадқиқотда иштироки учун розилиги;
2. Аёл ёшининг 18 дан 40 ёшгача бўлиши;
3. УТТ ва ХГТ орқали аниқланган 13 ҳафтагача бўлган РХ.

Текширишга киритилмаслик мезонлари:

1. Аёл ёшининг 18 ёшгача ҳамда 40 ёшдан катта бўлиши;
2. Онкопатология ва унга шубҳа бўлса;
3. Жинсий аъзолар аномалияси, эндометриоз ва миоматоз тугуннинг бўлиши;
4. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик;
5. ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг 13 ҳафтадан зиёд бўлиши;
6. Жинсий аъзолар специфик ва носпецифик яллиғланиш жараёнларининг ўткир даврда бўлиши;
7. Қон ивиш тизимининг туғма ва орттирилган бузилиши, АФС.



1-расм. Тадқиқот материали

Текширилган 3 та гуруҳ аёллари ўзаро клиник кўрсаткичлари бўйича сезиларли даражада фарқ қилишмаган. Ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланган аёллар ёши барча гуруҳларда 18 ёшдан – 40 ёшгача бўлган. Гуруҳларда ўртача ёш кўрсаткичлари деярли фарқ қилмаган ($P>0,05$). Асосий ва таққослаш гуруҳ аёлларининг ўртача ёши $25,7\pm 0,7$ йилни, назорат гуруҳида эса $24,5\pm 1,0$ йилни ташкил этган.

Ривожланмай қолган ҳомиладорлик кузатилган аёллардаги (n=100) асосий шикоятлар 70% қорин пастидаги оғриқлар ва қонли ажралмаларга бўлган (1-жадвал).

1-жадвал.

Текширилаётган аёллардаги шикоятлар

Аёллар сони (n= 100)	қорин пастидаги оғриқлар ва қонли ажралмалар		қонли ажралмаларнинг бўлмаслиги	
	Абс.сон	%	Абс.сон	%
Асосий гуруҳ (n=50)	34	68%	16	32%
Қиёсий гуруҳ (n=50)	36	72%	14	28%

Юқорида кўрсатилган шикоятлар билан қабул қилинган аёлларнинг 42% ҳомиладорликни сақлаш мақсадида прогестерон препаратларини қабул қилишган, 58% аёллар эса ушбу воситаларни қабул қилишмаган.

Текширилаётган аёлларнинг соматик касалликлар бўйича саломатлик индекси нисбатан қониқарли бўлган, эпидемиологик ноқулай вазиятда “COVID-19” билан касалланган ва касалланмаган аёллар анамнезида энг кўп тарқалган соматик патология- ЛОР касалликлари бўлган (асосий гуруҳда 38%, қиёсий гуруҳда 34%, назорат гуруҳида 16,7%). ЛОР касалликларидан сурункали тонзиллит, гайморит, герпес, пневмония кузатилган. Бундан ташқари текширилаётган аёллар гуруҳида сийдик ажратиш тизими касалликлари асосий гуруҳда ўртача 12.3% учраган (таққослаш гуруҳида-15%). Қалқонсимон без касалликлари ва семизликнинг учраши гуруҳлар тақсимотида фарқ қилмаган ($p>0,05$). Ошқозон-ичак тизими касалликлари ривожланмай қолган ҳомиладорлиги мавжуд аёлларда (12% ва 8%) назорат гуруҳига (3,3%) нисбатан кўпроқ учраган. Қолган соматик касалликлар аёлларда кам кузатилган.

Шу нарса эътиборга лойиқ-ки, кўпгина аёлларда соматик касалликларнинг бирга учраши кузатилган ва 80% аёлларда турли даражадаги камқонлик учраган.

Тадқиқотимиздаги аёллар гуруҳидаги гинекологик касалликларнинг учраши 2-жадвалда ёритилган.

2- жадвал

Текширилаётган аёлларнинг сурункали гинекологик касалликлар структураси (n=130)

Касалликлар	Асосий гуруҳ		Таққослаш гуруҳи		Назорат гуруҳи		Пирсон критерийси χ^2 ва P-value		
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	χ^2	P	
Жинсий аъзолар яллиғланиш касалликлари	8	16	10	20	2	6,7	χ_{12}	0,27	0,603
							χ_{22}	2,61	0,106
							χ_{32}	1,49	0,222
Бачадон бўйни касалликлари	7	14	9	18	1	3,3	χ_{12}	0,30	0,585
							χ_{22}	3,69	0,055
							χ_{32}	2,37	0,124
Ҳайз циклининг бузилишлари	6	12	7	14	2	6,7	χ_{12}	0,09	0,766
							χ_{22}	1,01	0,315
							χ_{32}	0,59	0,441

Эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари	3	6	4	8	1	3,3	χ^2	0,15	0,695
							χ^2	0,70	0,404
							χ^2	0,28	0,596
Бепуштлик	2	4	2	4	2	6,7	χ^2	0,00	1,000
							χ^2	0,28	0,596
							χ^2	0,28	0,596

Изоҳ: χ^2 критерийси 95% CI да ҳисобланиб, P1, P2, P3 – асосий ва қиёсий гуруҳи ўртасидаги, қиёсий гуруҳи ва назорат гуруҳидаги, асосий ва назорат гуруҳи орасидаги ишончли фарқ

Жадвалдан кўришиб турибдики, жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари ва бачадон бўйни касалликлари, ҳайз циклининг бузилишлари, эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари, бепуштлик гуруҳлар кесимида статистик жиҳатдан фарқ қилмади ($p > 0,05$).

Асосий гуруҳдаги аёллардан 26 нафар (52%) аёл илгари гинекологик касалликларни ўтказишган. Бу аёлларнинг анамнезида, асосан, жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари ва бачадон бўйни касалликлари - 16% ҳамда 14% ҳолатда; ҳайз даврининг бузилиши 12% ва 6% ҳолатда кузатилган. Ривожланмай қолган ҳомиладорлик кузатилган аёлларнинг аксариятида анамнезида бепуштлик (4%; 4%) кузатилган, аммо ушбу кўрсаткич назорат гуруҳидаги аёлларда 6,7% ни ташкил қилган. Юқорида келтирилган гинекологик нозологиялар қиёсий гуруҳ аёлларида ҳам асосий гуруҳ аёлларига нисбатан ишончли фарқ қилмаган тарзда учраган. Текширилган гуруҳлар орасида гинекологик касалликларнинг турлари бўйича статистик жиҳатдан муҳим фарқлар аниқланмади. Бу маълумотлар ҳар бир гуруҳда касалликларнинг тарқалиш даражаси ўхшашлигини кўрсатади.

Ривожланмай қолган ҳомиладорлик мавжуд аёлларда акушерлик анамнези таҳлил қилинди (3-жадвал).

3-жадвал.

Текшириладиган аёллардаги акушерлик анамнез.

Касалликлар	Асосий гуруҳ		Таққослаш гуруҳи		Назорат гуруҳи		Пирсон критерийси χ^2 ва P-value		
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	χ^2	P	
Анамнезида ўз-ўзидан бўлган ҳомила тушиши, РХ	6	12	5	10	2	6,7	χ^2	0,10	0,749
							χ^2	0,26	0,609
							χ^2	0,59	0,441
Сунъий абортлар	3	6	4	8	1	3,3	χ^2	0,15	0,695
							χ^2	0,70	0,404
							χ^2	0,28	0,596
Туғруқлар	15	30	14	28	16	53,3	χ^2	0,05	0,826
							χ^2	5,13	0,023
							χ^2	4,30	0,038

Изоҳ: χ^2 критерийси 95% CI да ҳисобланиб, P1, P2, P3 – асосий ва қиёсий гуруҳи ўртасидаги, қиёсий гуруҳи ва назорат гуруҳидаги, асосий ва назорат гуруҳи орасидаги ишончли фарқ

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, акушерлик анамнези бўйича текширилган гуруҳлар орасида айрим статистик фарқлар мавжуд. Хусусан, туғруқлар сони бўйича назорат гуруҳида аниқ фарқ кузатилган, бу ушбу гуруҳда туғруқлар сонининг юқорилигини кўрсатади. Бошқа касалликлар бўйича эса гуруҳлар орасида муҳим фарқлар йўқ.

Анамнезида туғруқ кузатилган аёлларда туғруқлар кечиши таҳлил натижалари кўра асосий гуруҳдаги аёлларда 73,3% муддатидаги нормал туғруқ, 20% ҳолатда кесар кесиш операцияси ва 6,7% ҳолатда туғруқлар акушерлик қон кетиш билан яқунланган. Қиёсий ҳамда назорат гуруҳларда ҳам ушбу кўрсаткичлар асосий гуруҳга нисбатан ишончли тарзда фарқ қилмаган ($p>0,05$).

Биринчи марта ривожланмай қолган ҳомиладорлик асосий гуруҳда 21 нафар (42%) аёлда, қиёсий гуруҳ аёлларида 16 нафарида (32%) кузатилган. Бу кўрсаткичлар ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар аниқланмади ($p>0,05$). Такрор ривожланмай қолган ҳомиладорлик эса, асосий гуруҳда 2 нафарида (4%), қиёсий гуруҳ аёлларида 14 нафар (28%) ҳолатда кузатилди ($P<0.001$). Қиёсий гуруҳда такрор ривожланмай қолган ҳомиладорлик учрашиш сони статистик жиҳатдан фарқ қилди. Биринчи марта ҳомиладорлик иккала гуруҳ орасида статистик жиҳатдан фарқ қилмади ($p>0,05$). Бу таҳлилдан шуни кўриш мумкинки, асосий ва қиёсий гуруҳлар орасида биринчи марта ривожланмай қолган ҳомиладорлик ва биринчи марта ҳомиладорлик кўрсаткичларида аниқ фарқлар йўқ, лекин такрор ривожланмай қолган ҳомиладорлик бўйича қиёсий гуруҳ анча юқори кўрсаткичга эга.

Қиёсий гуруҳдаги аёлларнинг 10% и анамнезида ўз-ўзидан бўлган ҳомила тушишлари ва ривожланмай қолган ҳомиладорлик кузатилган, ушбу ривожланмай қолган ҳомиладорлик 28% такрорий бўлиб, бошқа гуруҳларга нисбатан ишончли фарқ қилган ($P<0.05$). Ушбу аёлларнинг 8%ида сунъий абортлар кузатилган, 20% аёллар анамнезида туғруқлар бўлиб, 6% ҳолатда оператив туғруқ билан кечган. 32% аёлларда ушбу ривожланмай қолган ҳомиладорлик биринчи марта кузатилган.

Назорат гуруҳи 6,7% аёллари анамнезида ўз-ўзидан бўлган ҳомила тушишлари ва ривожланмай қолган ҳомиладорлик, 3,3% ҳолатда сунъий абортлар кузатилган.

Сунъий абортлар структураси таҳлил қилинганда шу нарса аён бўлдики, асосий гуруҳдаги 2 та аёл 1 марта; 1 нафар аёл эса 2 марта сунъий аборт қилишган. Қиёсий гуруҳдаги сунъий аборт қилган аёлларнинг аксарияти 2 ва ундан кўп сунъий ҳомилани тушириш амалиётини бажаришган (3 нафар аёл) ҳамда назорат гуруҳида бир нафар аёл 2 та сунъий аборт қилишган.

Ривожланмай қолган ҳомиладорлик кузатилган аёлларнинг кўпчилигида асоратланган акушерлик анамнез кузатилган. Ўз-ўзидан ҳомила тушиши, сунъий абортлар, оператив туғруқ ёки туғруқдан кейинги даврнинг асоратли кечиши кўп ҳолларда ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланиши учун замин яратган, деб ҳисоблаймиз.

Кейинги ишимиз асосий гуруҳдаги, 13 ҳафталик муддатгача

ривожланмай қолган ҳомиладорлик қайд этилган 50 нафар аёл (“COVID-19” ни ўтказгандан кейин ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланган) аёллардаги эпидемиологик касаллик хусусиятларини ўрганишга бағишланди.

Биринчи навбатда биз “COVID-19” ни ўтказгандан кейин ривожланмай қолган ҳомиладорлик қанча вақтдан кейин аниқланганлиги билан қизиқдик. 50 та текширилаётган аёллардан 32 нафариди (64%) “COVID-19” ҳомиладорликнинг эрта муддатида, яъни 4-8 ҳафталик муддатда учраган. “COVID-19” нинг кечиш хусусиятлари ўрганилганда, шу нарса аён бўлдики, ушбу аёлларда касаллик 68,8% симптомсиз ва енгил даражада, 25% ҳолатда ўрта оғир даражада ва 6,2% ҳолатда оғир даражада кузатилган ҳамда ушбу аёллар стационар шароитида ётиб даволанишган.

Ушбу стационар шароитида ётиб даволанган 2 нафар аёлда пневмония кузатилган, аммо стационардан 2 нафар аёл ҳам ҳомиладорлиги сақланган ҳолда жавоб берилган.

8 нафар “COVID-19” касаллиги ўрта оғир даражада кузатилган аёлларнинг 5 нафари (62,5%) амбулатор даволанган, 3 нафари (37,5%) стационар шароитида ётиб даволанган. Ушбу стационар шароитида ётибдаволанган аёлларнинг уччаласи ҳам ҳомиладорлиги сақланган ҳолда уйига жавоб берилган.

18 нафар ривожланмай қолган ҳомиладорлик кузатилган аёлларнинг эпидемиологик хусусиятлари ўрганилганда, шу нарса маълум бўлдики, ушбу аёлларда “COVID-19” ҳомиладорликкача кузатилган, аксариятида симптомсиз ёки енгил даражада кузатилган (72%) ва уларда ҳеч қандай реабилитацион чора-тадбирлари ўтказилмаган. Бизнинг тадқиқотимиз давомида кўриниб турганидек, кўпчилик ҳолларда “COVID-19” касаллиги ҳомиладор аёлларда енгил ёки симптомсиз кечган. Бундан ташқари, касалликнинг оғир кечган ҳолатларида ҳам стационар даволаш шароитида муваффақиятли натижаларга эришилган ва ҳомиладорликни сақлаб қолиш мумкин бўлган. Бу бизга “COVID-19” инфекциясининг ҳомиладорлик даврига бўлган потенциал таҳдидини тўғри баҳолаш ва самарали даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Шундай қилиб, биз кузатаётган аёлларнинг клиник тавсифи гуруҳлар мажмуининг деярли бир хиллигидан далолат беради.

Диссертациянинг **“Аёлларда “COVID-19” пандемияси даврида қайд этилган ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг кечиши бўйича ретроспектив ва проспектив таҳлил натижалари”** деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлимида (ретроспектив таҳлил) аёлларда “COVID-19” пандемияси даврида қайд этилган ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг кечиши ва хавф омилларининг таҳлили ўтказилган. **“Эпидемиологик ноқулай вазиятда ривожланмай қолган ҳомиладорликнинг кечиши ва хавф омилларини аниқлаш”** учун Google Forms сўровнома тузилган, ушбу сўровнома 14 та саволдан иборат бўлди.

Асосий гуруҳни- “COVID-19” пандемияси вақтида ривожланмай қолган ҳомиладорлик кузатилган аёллар-62 та;

Назорат гуруҳи- 35 та ҳомиладорлиги шартли равишда физиологик кузатилаётган аёллар ташкил қилди.

Текширилган аёлларнинг ўртача ёши $25,4 \pm 0,3$ ни ташкил қилди. Уларнинг кўпчилиги эрта репродуктив ёшда бўлишди. Ҳайз фаолияти, гинекологик касалликлар ва репродуктив анамнез таҳлил қилинди. Бу кўрсаткичлар текширилувчи гуруҳларда ишончли фарқ қилмади, аммо асосий гуруҳ аёлларида олигоменорея 9,7%, дисменорея 8,0%, меноррагия 6,4% ни ташкил қилди. Асосий гуруҳ аёлларида гинекологик касалликлар назорат гуруҳига нисбатан анча кўп учраган; масалан ТПКС ва бепуштлик асосий аёллар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 2 марта кўп учраган. Биринчи марта ҳомиладор бўлиб, биринчи марта туққанлар 13,4% (13 нафар аёллар) ни ташкил этган. Сўровномага жавоб берувчи асосий гуруҳ аёлларининг 40,3%ида аборт ва ҳомила тушиши кузатилган, улардан 27,4% аёлда 1 та артифициал аборт, 11,3% аёлда 2 та аборт ва қолган 1,6% аёллар гуруҳида 3 та ва ундан зиёд артифициал аборт ва ҳомила тушиши кузатилган. Назорат гуруҳида эса 28,6%ида аборт ва ҳомила тушиши кузатилган, улардан 20% аёлда 1 та артифициал аборт, 5,7% аёлда 2 та аборт ва қолган 2,9% аёллар гуруҳида 3 та ва ундан зиёд артифициал аборт ва ҳомила тушиши кузатилган. Аёлларнинг 48%ида туғруқдан кейинги ҳар хил асоратлар кузатилган бўлиб, улардан 17,7%ида туғруқдан кейин қон кетиш кузатилган. Туғруқ жараёнининг кечиши таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, асосий гуруҳ аёлларининг 21%, назорат гуруҳи аёлларининг 17,1% кесар кесиш орқали туққан.

Олинган таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, эпидемиологик ноқулай вазиятда аёллар ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланиш хавфлари ҳақида кам информацияга эга; Локдаун муносабати туфайли бирламчи бўғинда ҳомиладорларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам етарли эмас. Эпидемиологик ноқулай вазиятда мавсумий вирусли касалликлар, жумладан “COVID-19” касаллигига ҳомиладорликкача вакцинация ўтказилиши ўринли.

Тадқиқотимизнинг кейинги мақсади ривожланмай қолган ҳомиладорлик мавжуд аёлларда Д витамини ва микроэлементлар даражасини ўрганишдан иборат.

Ўтказилган тадқиқот асосида қуйидагилар аниқланди: асосий гуруҳ аёлларида, яъни “COVID-19” ўтказган ва ривожланмай қолган ҳомиладорлик мавжуд аёлларида витамин Д 16% да меъёрда, 26% етишмовчилик ҳолатида ва 58% танқислик ҳолатида бўлди. Таққослаш гуруҳида витамин Д 66% да меъёрда, 28% етишмовчилик ҳолатида ва 7% танқислик ҳолатида бўлди. Назорат гуруҳи, яъни ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёлларда витамин Д 70% да меъёрда, 30% етишмовчилик ҳолатида бўлди, Д витаминининг танқислиги ушбу гуруҳда учрамади. (4-жадвал).

4-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида D витаминининг миқдори

Витамин D нинг қиймати	Асосий гуруҳ (n=50)	Таққослашгу руҳи (n=50)	Назорат гуруҳ (n=30)	$\chi^2/P1$	$\chi^2/P2$	$\chi^2/P3$
Меъёр (> 30 нг/мл)	8 (16,0%)	33 (66%)	21 (70,0%)	25,84; P<0,001	0,14; P>0,5	23,66; P<0,001
Етишмовчилик (21-29 нг/мл)	13 (26,0%)	14 (28%)	9 (30,0%)	0,05; P>0,5	0,04; P>0,5	0,15; P>0,5
Танқислик (<20 нг/мл)	29 (58,0%)	3 (6%)	0 (0,0%)	31,07; P<0,001	1,87; P>0,1	27,29; P<0,001

P1, P2, P3 – асосий ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги, таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳидаги, асосий ва назорат гуруҳи орасидаги ишончли фарқ

Ушбу натижаларни таққослаганда, турли гуруҳлар ўртасида витамин D миқдорининг фарқи статистик жиҳатдан жуда муҳимдир. Хусусан: асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи орасидаги меъёрда бўлганлар сонида фарқ катта (P<0,001), яъни асосий гуруҳда витамин D меъёри анча паст. Таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳи орасида бу фарқ муҳим эмас (P>0,05). Асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида ҳам витамин D меъёрда бўлганлар орасидаги фарқ катта (P<0,001). Витамин D нинг етишмовчилиги ҳолатида ёки танқисликда бўлган аёллар орасида гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар бор, бу эса “COVID-19” билан касалланган ва ривожланмай қолган ҳомиладорлик бўлган аёллар орасида витамин D нинг етарли даражада бўлмаслиги эҳтимолини кўрсатади. Шу сабабли, ушбу гуруҳларда витамин D даражасини яхшилашга қаратилган махсус чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳимдир. Эпидемиологик ноқулай вазиятда, аёлларнинг соғлигини яхшилаш ва ҳомиладорлик даврида уларнинг ҳолатини назорат қилиш учун витамин D миқдорини тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Кейинчалик асосий ва таққослаш гуруҳидаги ҳомиладорлар қонида 25-гидроксикальциферолнинг ўртача даражалари таҳлил этилди.

5-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги ҳомиладорлар қон зардобида 25-гидроксикальциферол даражасининг ўртача қийматлари

№	Витамин D концентрациясига кўра кичик гуруҳлар	Асосий гуруҳ (n=50)	Таққослаш гуруҳи (n=50)	Назорат гуруҳи (n=30)	$\chi^2/P1$	$\chi^2/P2$	$\chi^2/P3$
1	A кичик гуруҳ (Норма) (n, %)	8 (16,0%)	33 (66%)	21 (70,0%)	25,84; P<0,001	0,14; P>0,5	23,66; P<0,001
2	B кичик гуруҳ (Етишмовчилик) (n, %)	13 (26,0%)	14 (28%)	9 (30,0%)	0,05; P>0,5	0,04; P>0,5	0,15; P>0,5
3	C кичик гуруҳ (Танқислик) (n, %)	29 (58,0%)	3 (7%)	0 (0,0%)	31,07; P<0,001	1,87; P>0,1	27,29; P<0,001

		Қон зардобида 25- гидроксикальциферол қиймати, нг/мл			P1	P2	P3
4	А кичик гуруҳ (Норма) (M±m)	31,1 ±1,3	39,2±1,5	40,2±2,2	<0,001	>0,5	<0,001
5	В кичик гуруҳ (Етишмовчилик) (M±m)	21,2±1,5	27,1±1,6	28,1±1,6	<0,01	>0,5	<0,01
6	С кичик гуруҳ (Танқислик) (M±m)	13,1±0,8	-	-	-	-	-

P1, P2, P3 – асосий ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги, таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳидаги, асосий ва назорат гуруҳи орасидаги ишончли фарқ


Тадқиқот натижаларига кўра, асосий ва таққослаш гуруҳларида ҳамда назорат гуруҳида ҳомиладор аёлларнинг қон зардобида 25 гидроксикальциферол (витамин Д) даражасининг ўртача қийматлари таҳлил қилинган. Бунда учта кичик гуруҳларга бўлинган: норма, етишмовчилик ва танқислик.

А кичик гуруҳ (Д витамини нормада):

Асосий гуруҳдан 8 нафар (16%) аёлда Д витамини ўртача 31,1 нг/мл ни ташкил қилди. Таққослаш гуруҳидан 33 нафар (66%) аёлда- ўртача 39,2 нг/мл ни ташкил қилди ва назорат гуруҳидаги 21 нафар (70%) аёлда- ўртача 40,2 нг/мл ни ташкил қилди. Асосий ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги фарқ (P<0,001), назорат гуруҳи билан таққослаганда ҳам статистик жиҳатдан ҳам катта фарқ (P<0,001) аниқланди.

В кичик гуруҳ (Д витамини етишмовчилиги):

Асосий гуруҳ аёлларидан 13 нафар (26%)ида ўртача 21,2 нг/мл ни, таққослаш гуруҳи аёлларидан 14 нафар (28%) ида ўртача 27,1 нг/мл ни, назорат гуруҳи аёлларидан 9 нафар (30%) ида ўртача 28,1 нг/мл ни ташкил қилди. Асосий гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасида фарқ статистик жиҳатдан ишончли фарқ қилди (P<0,01).



2-расм. Д витамини миқдори ва ривожланмай қолган ҳомиладорлик орасидаги корреляция.

С кичик гуруҳ (*Д витамини танқислиги*):

Асосий гуруҳ аёлларидан 29 нафар (58%)ида ўртача 13,1 нг/мл ни, таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳида витамин Д танқислиги жуда кам (6% ва 0% мос равишда) учради. Асосий ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги, шунингдек, назорат гуруҳи билан бўлган статистик фарқ катта ($P < 0,001$).

Юқоридаги диаграммада Д витамини миқдори ва ривожланмай қолган ҳомиладорлик орасидаги корреляция кўрсатилган. Бу маълумотлар Д витаминининг паст миқдори билан ривожланмай қолган ҳомиладорлик орасида манфий боғлиқлик борлигини тасдиқлайди.

Бу маълумотлар асосида, Д витамини етишмаслиги ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланиш эҳтимолини ошириши мумкинлиги хулоса қилинади. Эпидемиологик ноқулай вазиятларда, айниқса пандемия даврида, ҳомиладорликни режалаштириш ва бошқаришда Д витамини каби муҳим микронутриентларга алоҳида эътибор бериш лозим. Тадқиқотдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳдаги ҳомиладор аёллар орасида витамин Днинг танқислиги анча юқори, бу эса “COVID-19” касаллиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун, ушбу гуруҳдаги аёллар учун витамин Д ни тўлдириш бўйича махсус чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллаш зарур.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги аёлларда Д витамини танқислиги ва етишмовчилигини учраш ҳоллари таққослаш гуруҳига қараганда 3,2 мартаба юқорироқ бўлган.

Таққослаш гуруҳи аёллар қон зардобида 25-гидроксикальциферол даражасининг статистик жиҳатдан аҳамиятли ошиши ва қон зардобида 25-гидроксикальциферолнинг концентрацияси 27,5 нг/мл дан юқори бўлганда ривожланмай қолган ҳомиладорлик ривожланиш хавфининг камроқ бўлиши аниқланган.

Бизнинг олган натижаларимизга кўра, эпидемиологик ноқулай вазиятда аёлларнинг прегравидар тайёрлаш вақтида Д витаминининг қўлланилиши ҳомиладорлик ва туғруқнинг кечишига ижобий таъсир кўрсатади.

